

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **411** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ–2750-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирликлар ва идоралар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 24 май,  
ПФ–5055-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 24 майдаги  
ПФ–5055-сонли Фармониغا  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 19 июлдаги ПФ–1205-сонли «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш» тўғрисидаги Фармонининг 4-банди иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги ПФ–1652-сонли «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар» тўғрисидаги Фармонининг 1-банди:

а) биринчи хатбошидан «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) бешинчи хатбошидан «ҳамда корхона жойлашган ҳудудидаги шаҳар ва туман ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 28 июндаги «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ–2331-сонли Фармонининг:

а) 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус ҳудудий комиссияларини тузсинлар, уларнинг таркибига ҳокимиятларнинг, молия, солиқ, банк, статистика, ички ишлар органлари, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, «ягона дарча» тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ягона марказлар вакиллари киритилсин.

Тегишли равишда шаҳар, туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари махсус ҳудудий комиссиянинг раиси этиб белгилансин.»;

б) 4-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юридик шахсларни давлат рўйхатига олишни амалга оширувчи органлар солиқ органларининг тақдимномаси ҳамда ҳудудий махсус комиссиянинг тегишли хулосаси бўйича корхоналарни тугатиш жараёнларини, шу жумладан, зарур ҳолларда суд тартибда амалга ошира бошласинлар.».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июндаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ–3090-сонли Фармонининг 1-банди:

а) биринчи хатбошидан «ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги органларида давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) иккинчи хатбошидан «ҳамда корхона жойлашган шаҳар ва туманлар ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтади» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ–4725-сонли Фармонининг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишдан тушаётган давлат божининг жами суммаси ҳамда «ягона дарча» марказлари орқали тўланадиган давлат бождари ва давлат хизматлари учун тўланиладиган йиғимлар суммасининг 10 фоизи миқдоридаги маблағлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан махсус очилган ҳисоб рақамига ўтказилади ва «ягона дарча» марказлари фаолиятини молиялаштириш манбалари сифатида «ягона дарча» марказларини таъминлаб туриш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга йўналтирилади.»

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» ПҚ–3-сонли қарорининг Уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва Уй-жойлардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш сервис компанияларини ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг:

а) 2-бандидаги:

«шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари» сўзлари «ягона дарча» тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш ягона марказлари томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

б) 1-иловадаги «шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси» сўзлари «тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш ягона маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловадаги «ҳокимлик ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси» сўзлари «тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш ягона маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 6 мартдаги «Ул-

гуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ–300-сонли қарори 3-банди:

- а) иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- б) учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ–615-сонли қарорининг Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги низомининг 16-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим» сўзлари «тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш ягона марказларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ПҚ–618-сонли қарори билан тасдиқланган Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисидаги низомининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Суғурта бозорининг профессионал қатнашчиларини давлат рўйхатига олиш белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш ягона марказлари томонидан амалга оширилади.»

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» ПҚ–843-сонли қарори билан тасдиқланган баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар тўғрисидаги низомнинг 21-бандидаги «туман ва шаҳар ҳокимликлари хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан» сўзлари «тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш ягона марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» ПҚ–2412-сонли қарорининг:

- а) 3-банди учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ягона дарча» марказларининг таъминоти «ягона дарча» марказлари томонидан кўрсатилаётган давлат хизматлари учун тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишдан тушаётган давлат божининг жами суммаси ҳамда «ягона дарча» марказлари орқали тўланадиган давлат божлари ва давлат хизматлари учун тўланиладиган йиғимлар суммасининг 10 фоизи миқдоридаги маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан таъминланиши белгилансин»;

- б) 8-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри адлия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илова қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин;

«Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг барча марказлар ходимларининг умумий чекланган сони доирасида тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш ягона марказлари тузилмасига зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.».

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ–2699-сонли қарорининг 22-иловаси 3-банди биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Алкоголь маҳсулотларининг чакана савдоси ҳуқуқи йиғимлари, жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини сотиш йиғимлари ягона ҳисоб рақамига келиб тушади ва ушбу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибга кўра Ўзбекистон Республикаси бюджети ва Адлия вазирлиги ўртасида, Тошкент шаҳрида эса — бюджет, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва истеъмол товарларини ишлаб чиқариш департаменти ўртасида тақсимланади.».

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 24 майдаги  
ПФ–5055-сонли Фармони  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 6 январдаги ПФ–1034-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 29 мартдаги «Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш тўғрисида» ПФ–2276-сонли Фармони.